




ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND PHARMACOLOGY

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojmp>



MACRO- AND MICROSCOPIC MORPHOLOGICAL RESULTS OF THE APPLICATION OF AUTOTRANSPLANT DEEP BACK MUSCLE FASSIS IN TYMPANOPLASTY IN RABBITS WITH CHRONIC OTITIS MEDIA

A. J. Botirov

Tashkent Medical Academy
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: otitis, tympanic membrane, fascia, cartilage.

Received: 13.07.23

Accepted: 15.07.23

Published: 17.07.23

Abstract: In the practical work of an otolaryngologist, clinical cases are often observed when there is an acute need for plastic materials to restore the integrity of the tympanal and neotympanal membranes. For this purpose, surgeons often began to use the following materials: fascia of the temporal muscle, inguinal and inguinal membrane, periosteum, nasal septum and lung mucosa, vein wall, amniotic membrane, polymer implants, two- and three-layer grafts. One of the urgent problems of otiatrics of great social importance is to restore the integrity of the sound transmission system in patients with chronic inflammatory diseases of the middle ear. Chronic otitis media and some of its possible complications: paresis of the facial nerve, hearing loss, severe autogenic intracerebral complications, and obvious social disadaptation of patients occupy a leading position in the diseases of the ENT organs, while the surgical treatment methods used in the treatment of this pathology are always does not give a chance to achieve satisfactory results.

СУРУНКАЛИ ЎРТА ОТИТ ЧАҚИРИЛГАН ҚҮЁНЛАРДА ТИМПАНОПЛАСТИКАДА АУТОТРАНСПЛАНТАТ ОРҚА ЧУҚУР МУШАГИНИНГ ФАСЦИЯСИ ҚЎЛЛАШНИНГ МАКРО- ВА МИКРОСКОПИК МОРФОЛОГИК НАТИЖАЛАРИ

А. Ж. Ботиров

Тошкент тиббёт академияси
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: отит, ногора парда, фасция, тоғай.

Аннотация. Оториноларингологнинг амалий фаолиятида кўпинча тимпанал ва неотимпанал мемброналарнинг бутунлигини тиклаш учун пластик материалларга ўткир эҳтиёж мавжуд бўлганда клиник ҳолатлар қузатилади. Шу максадда отожарроҳлар кўпинча қўйидаги материаллардан фойдалана бошлашди: чакка мушагининг фасцияси, тоғай ва тоғай усти пардаси, сувак усти пардаси, бурун тўсиги ва лунж шиллик қавати, вена девори, амнион парда, полимер имплантлар, икки-, уч қаватли трансплантатлар. Отиатрияning катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммоларидан бири – ўрта кулоқнинг сурункали яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда товуш ўтказув тизимишинг бутунлигининг бузилишини тиклашдир. Сурункали ўрта отит ва унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган асоратларининг бир қисми: юз нерви парези, эшитиш заифлашуви, жиддий отоген мия ичи асоратлар ва беморларнинг яққол ижтимоий дезадаптацияси кабилар ЛОР аъзолари касалликлари ичida етакчи ўринни эгалламоқда, шу билан бирга бу патологияни даволашда қўлланилаётган жарроҳлик даволаш усуслари доимо қониқарли натижаларга эришиш имкониятини бермаяпти.

МАКРО- И МИКРОСКОПИЧЕСКИЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ПРИМЕНЕНИЯ АУТОТРАНСПЛАНТАТА ФАССА ГЛУБОКОЙ СПИНЫ В ТИМПАНОПЛАСТИКЕ У КРОЛИКОВ С ХРОНИЧЕСКИМ СРЕДНИМ ОТИТОМ

A. Ж. Ботиров

Ташкентская Медицинская Академия
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: отит, барабанная перепонка, фасция, хрящ.

Аннотация: В практической работе отоларинголога часто наблюдаются клинические случаи, когда возникает острая потребность в пластических материалах для восстановления целостности барабанной и неотимпанальной перепонок. С этой целью хирурги чаще стали использовать следующие материалы: фасции височной мышцы, паховую и паховую мембранны,

надкостницу, перегородку носа и слизистую оболочку легких, стенку вены, амниотическую оболочку, полимерные имплантаты, двух- и трехслойные трансплантаты. Одной из актуальных проблем отиатрии, имеющей большое социальное значение, является восстановление целостности звукопроводящей системы у больных с хроническими воспалительными заболеваниями среднего уха. Хронический средний отит и некоторые его возможные осложнения: парезы лицевого нерва, тугоухость, тяжелые аутогенные внутримозговые осложнения, выраженная социальная дезадаптация больных занимают ведущее место в заболеваниях ЛОР-органов, тогда как хирургические методы лечения, применяемые в лечение данной патологии всегда не дает возможности добиться удовлетворительных результатов.

КИРИШ

ЖССТ статистик маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг қарийиб 15% эшиши заифлигига эга [2,13], бу эса инсонларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилишларини қийинлаштиради ва уларнинг касбий фаолиятини чеклайди, болалиқда эса нутқ ривожланишининг кечикишига олиб келади [5,12].

Айрим муаллифларнинг маълумотларига кўра эшишишнинг сенсоневрал типдаги заифлашуви 48-70% холатларда, аралаш типдаги эшишишнинг заифлашуви 18,9-33,3% ва кондуктив типда заифлашуви эса 11,1-18,7% ни ташкил этган. Сурункали ўрта отит билан касалланишларкатта ёшдаги инсонлар орасида 1000 кишига 13.7 нафарни ташкил этади, ўсмирлар орасида 8.7 % ни ва болалар орасида 6.7 нафарни ташкил қиласди. ЛОР аъзолари касалликлари билан мурожат қиласидан беморлар орасида сурункали ўрта оитлар қарийиб 28.5 %ни ташкил этади [14-18].

Айрим муаллифлар ўрта қулоқда яллиғланиш жараёнини қанча узоқ муддат давом этиши беморда шунчалик товуш ўтказув типда эшишишни заифлаштиришини ўз илмий тадқиқотларида аниқлашган [5,8-13]

Инсонлар орасида турғун кондуктив ёки аралаш типдаги эшишиш заифлашувининг асосий сабабларидан бири ўрта қулоқнинг сурункали яллиғланиши, аҳоли орасида касалликни тарқалганлик даражаси, ҳорижий ва маҳаллий авторлар маълумотларига кўра 1,5 до 4% ни, болалар орасида эса 1 %ни ташкил қиласди [1-4,9].

Лор аъзоларини касалликлари ичида СҮО бурун ва БЁБ касалликларидан кейинги ўринни эгаллаб қарийиб 38% ни [10], ўрта ва ички қулоқнинг барча касалликлари ичида эса 46.4 %ни ташкил [17].

СҮО билан оғриган беморларни самарали даволаш оториноларингологиянинг долзарб муаммоларидан бири хисобланиши сабаби, йирингли отитни тез тез қўзиши беморнинг меҳнат қобилиятини вақтинча баъзида эса бир умрга йўқолишига олиб келиши мумкин [9].

СҮО билан оғриган беморларни тахминан 68.6-81,1% да мезотимпанит, 16,6% да эпимезотимпанит ва 10,6-14,8% да эпитимпанитқузатилади [3]. Айрим муаллифлар ноғора бўшлиғидаги патологик жараённинг тарқалганлиги даражасини аниқлаш мақсадида чакка суюгини эхография қилиб сувж зичлигини ўрганишган. Муаллифлар фикрича бу эхография рентгенологик текширув натижаларини тўлдириб криоз-деструктив патологик жараёнларни тарқалиши борасида муҳим маълумотлар беради [2].

Охиригина турли мақола ва маъruzаларда ўрта қулоқнинг деструктив жараёнларини ривожланиши беморнинг консерватив ҳаттоқи оператив давосидан кейин ҳам турғун бўлмаган ремиссия учраши ва ўрта қулоқда қайта жарроҳлик амалиётини бажарилаётгани ҳақида маълумотлар учрамоқда[19].

Шундай қилиб, сўнгти ўн йилликда СҮО оғриган беморларни кўпайиши сабабли касалликни вақтида консерватив ва замонавий жарроҳлик даволанишга мухтож беморларни сонини ошишига олиб келмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сурункали ўрта отит(СҚМ) моделлаштирилгандан сўнг 8 ҳафта ўтгач, экспериментал қуёнларнинг чап қулоғида тимпанопластика жарроҳлик амалиётида аутотрансплантант орқанинг чукур мушаги фасцияси қўлланилди. Тимпанопластика жарроҳлик амалиётидан 3 кун ўтгач фасция атрофида деструктив дисциркулятор ўзгаришлар аниқланди. Деструктив ўзгаришлар юмшоқ тўқималарнинг травматик юмшани ва суюлиши кўринишида намоён бўлиб (расм. 1), уларнинг қатламларида қон қуйилишлар ва тромб ҳосил бўлишининг ривожланиши аниқланди. Фасция тўқимаси тадқиқотнинг ушбу муддатида бир оз юмшаган бўлиб, толалараро шишиш ҳамда қисмлараро модданинг издан чиқиши хисобига хиралашиш ва фасция оқсил компонентининг гипохормазияси кўринишида толали қисмлар бўялувчанинг йўқолиши кузатилади.

Ўтказилган фасция атрофида асосан микроциркуляр оқим томирлари ва венулаларнинг кенгайиши аниқланади. Бу ҳолатда томирлар кенгайган, деворлари нозик бўлиб, периваскуляр шишиш ва диапедез қон қуйилишлар кузатилади (расм. 2). Томирларларнинг ораликларида, асосан посткапилляр венулаларда периферик жойлашган

лейкоцитлар ва моноцитларнинг атрофдаги тўқималарга трансэндотелиал ўтиш йўли орқали миграцияси кузатилади. Деструктив ўзгарган тўқималар тўплами атрофида юқори фагоцитар фаолликга эга бўлган макрофаглар пайдо бўлади (расм. 3).




Рис.1. Оперциянинг 3- куни

Аутотрансплантат фасцияни толали тутамларини ёзилиши(ТТЁ), шиш(Ш) ва деструктив ўзаришларни(ДҮ) пайдо бўлиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.




Рис. 2. Оперциянинг 3- куни

Қон томирларни кенгайиши (КК), диапедез қон қуиилишлар(ДКК) ва лейкоцитар инфильтрацияни(ЛИ) пайдо бўлиши.Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.




Рис. 3. Оперциянинг 3- куни

Транслантат атрофига макрофаглар фаоллашуви(МФ) ва яллиғланиш инфильтратини(ЯИ) пайдо бўлиши.Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.

Тадқиқотнинг 7 суткасида ўтказилган аутологик фасция атрофига сурункали яллиғланган ноора парданинг зонасида демаркацион яллиғланган инфильтратнинг шаклланиши кузатилган. Ушбу демаркационвал кўп сонли кенгайган юпқа деворли томирлар, лиммо-гистоцитар хужайрали элементлар, фаол макрофаглар, ёт жинсларнинг йирик макрофаглари ва тартибсиз жойлашган аргирофил ва ретикуляр толалардан иборат бўлди (расм. 4).

Тадқиқотнинг ушбу муддатида ўтказилган хужайрада бир оз юпқалашув ва шишли-детсруктив ўзгаришларнинг камайиши аниқланди. Иккита томон бўйича фасциянинг чекка томонларида фасциянинг толали қисмлари атрофдаги демаркацион валнинг хужайрали-толали элементлари билан бирлашиб, битишиб кетган. Фасциянинг ўрта қисми қаттиқ ва толали бўлиб қолиб, фақатгина толали қисмларнинг қатламига ягона мононуклеар хужайралар кириб борган, бироқ, томирлар шаклланмаган.

Тадқиқотнинг ушбу муддатида ўрта қулоқда ўтказилган фасция юзасининг кучли эпителиизацияси кузатилади. Бу ҳолатда аутотрансплантнинг чекккалари бўйича қопламали эпителий дастлаб кўп қаторли ва гиперхром бўлиб, сўнгра эпителийнинг регенератив фаоллиги кучайиб, аутотрансплантат юзаси эпителиизациясининг рўй бериши аниқланади

(расм. 5). Ташқи қулоқ томонидан эпителиизация секинроқ рўй беради. Кўп қаватли қопламали эпителий таркибида акантоз ва паракератоз рўй беради. Акантотик эпителий аутотрансплантат юзаси томонга силжийди, дастлаб бир қаватли, сўнгра кўп қаватли эпителийнинг пайдо бўлиши кўринишидаги эпителизация рўй беради (расм. 6).




Рис. 4. Тимпанопластиканинг 7- куни

Толали тузилмаларни ёйилишини(ТТЁ) давом этиши ва трансплантатда лимфоид хужайраларни(ЛХ) пайдо бўлиши.Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.




Рис. 5. Тимпанопластиканинг 7- куни

Трансплантатни ногора бўшлиғига қараган томон засида эпителизацияланиш (Эпя), базал мембрана(БМ) ва атрофида хужайравий инфильтрация(ХИ) жараёнини пайдо бўлиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.




Рис. 6. Тимпанопластиканинг 7- куни

Аутотрансплантатда ташқи эшитув йўлига қараган юзасида кўп қаватли ясси эпителийли(КЯЭ) эпителизацияланиш(Эпя) жараёнини пайдо бўлиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.

Тадқиқотнинг 14 ва 21 суткасида кўчирилган аутологик фасция тўлиқлигича тўқималар билан битишиб кетади. Аутотрансплантататрофида демаркацион вал янада етилган бўлиб, хужайрали-толали тўқималардан иборат бўлади (расм. 7). Унинг таркибидағи томирлар кичиклашади ва мавжуд бўлган томирлар нисбатан торайган ва дисциркулятор ўзгаришларсиз. Фақатгина ўтказилган фасциянинг бевосита толали қисмлари атрофида ягона лимфоид ва макрофагал хужайраларнинг сакланиб қолганлиги кузатилади. Тадқиқотнинг ушбу муддатида аутотрансплантатнинг ўрта қисми қаттиқлашган, толали қисмлар гомогенлашган, шишларсиз ва юмшалмаган. Иккита томон бўйича аутотрансплантат тўлиқ эпителийлашган. Ўрта кулоқ томонидан базал мембрана ва томирли шиллиқ ости қатламнинг шаклланиши билан бирга кўп қаторли призматик эпителий пайдо бўлади (расм. 7). Ташқи эшитув йўли томонидан юзада турли қалинликдаги кўп қаватли ясси эпителий шаклланади (расм. 8).




Рис. 7. Тимпанопластиканинг 14- куни

Аутотрансплантат атрофидаги демаркацион вал (ДВ)да фиброзланиш жраёни ва ёш лимфо- гистоцитар хужайралар(ЛГХ)ни пайдо бўлиши.Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.




Рис. 7. Тимпанопластиканинг 21- куни

Аутотрансплантатни ногора бўшлиғига қараган юзасида тўлиқ эпителиизация(Эпя)ланиши ва базал мембрана(БМ)ни шаклланиши кузатилади. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.




Рис. 3.8. Тимпанопластиканинг 21- куни

Аутотрансплантатни ташқи юзасида ҳар хил қалинликдаги кўп қаватли яssi эпителий(КЯЭ). Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.

Морфологик текширувларнинг натижаси кўра, аутологик фасция кўчирилишидан 1 ой ўтгандан сўнг, НОФОРА ПАРДА зонасида сурункали отит негизида фасциянинг атрофдаги юмшоқ тўқималар билан тўлиқ битишиб кетганлиги аниқланди. Ташқи эшитув йўли томонидан аутотрансплантат юзасида тўлақонли кўп қаватли яssi эпителийнинг ривожланиши билан бирга тўлиқ эпителизация кузатилади (расм. 9). Трансплантатнинг ички томони юза қисмида кўп қаторли призматик эпителийнинг ривожланиши аниқланди. Эпителий остида базал мембрана бир оз қалинлашган ва нотекис, гомоген эозинофил тўплам кўринишида намоён бўлади (расм. 10). Базал мембрана остида фақатгина аутолитик фасция атрофида макрофагал ва фиброцитар келиб чиқишига эга бўлган баъзи бир хужайрали элементларнинг сақланиб қолганлиги кузатилади. Ўтказилган фасциянинг ўрта қисми бирор-бир хужайрали элементлар ва томирли тузилмаларсиз янада қаттикроқ ва гомоген бўлиб қолади.




Рис. 9. Тимпанопластикадан 1 ойдан сўнг.

Аутотрансплантатни ташқи юзасида тўлиқ эпителизация(Эп)ланиш ва эпителий остида зич толали тузилма(ТТ)ларни пайдо бўлиши.Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.




Рис. 10. Тимпанопластикадан 1 ойдан сўнг.

Аутотрансплантатни ички юзасида эпителизация ва бу қуп қаватли кубсимон эпителий қавати остида толали тузилмаларни шаклланиши.Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.

Аутологик фасция кўчирилишидан 3 ой ўтгандан сўнг, НОФОРА ПАРДА соҳасида моделлаштирилган сурункали ўрта отит негизида фасциянинг ўтказилиши зонасида барча хужайрали-тўқимали элементларнинг нормал шикастланмаган тўқимадан фарқ қилмаслиги аниқланди. Ташқи эшитув йўли томонидан эпителий кўп қаватли ясси мугузланувчи эпителий кўринишида бўлиб, текис жойлашган эпителий қаватларидан иборат, юзасида кам микдорда мугуз модда аниқланади. Ўрта қулоқ томонидан қопламали эпителий нормал кўп қаторли призматик хужайралардан иборат. Икки томондан эпителиал базал мембрана ости ва хусусан бириктирувчи тўқимали қобиқ юпқа қаватли гомоген толали тўқима кўринишида намоён бўлади. Ўтказилган фасциянинг таркибий элементлари бўялувчанлиги ва толали элементлари бўйича атрофдаги нормал тўқимадан фарқ қилмайди. Фасциянинг атрофида реактив ўзгаришлар деярли аниқланмайди, томирлар кам бўлиб, артериола ва капиллярлар кўринишида намоён бўлади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, моделлаштирилган сурункали ўрта отит негизида НОФОРА ПАРДА соҳасига аутологик фасциянинг кўчирилишидан сўнг, морфологик текширувларнотижаси динамикада шуни кўрсатдики, аутотрансплантат атрофида эрта муддатларда деструктив, дисциркулятор ва ўткир яллиғланишли ўзгаришлар ривожаниб, 7 қунга келиб юпқа деворли томирлар, лимфо-гистиоцитар, асосан моноцито-макрофагал келиб чиқишга эга бўлган ёш хужайрали элементлардан иборат бўлган яллиғланишли демаркацион валнинг ривожланиши рўй беради. Бироқ, демаркацион валнинг хужайрали элементлари ўтказилган фасциянинг ичига кириб бормай, уни фақатгина турли томонлардан ўраб туради. Тадқиқотнинг эрта муддатларида фасциянинг таркибида толали қисмларнинг бир оз шиши ва юмшалиши кузатилади. Тадқиқотнинг 14 суткасига келиб, ушбу ўткир деструктив ва яллиғланишли ўзгаришлар барқарорлашади ва 21 қунга келиб етук бириктирувчи тўқимали тузилмаларга айланадилар. Ушбу муддатда аутотрансплантатнинг икки томонида қулоқнинг ҳар бир қисми учун тегишли қопламали эпителийнинг ривожланиши билан бирга юзанинг тўлиқ эпитетизацияси кузатилади. Кейинги муддатларда тикланаётган тўқима таркибида дисциркулятор ва яллиғланишли ўзгаришларнинг йўқ бўлиши ва НОФОРА ПАРДАда қопламали эпителий, шиллиқ ости ва толали тузилмаларнинг шаклланиши аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., Vohidov, U. N., & Sharipov, S. S. (2020). Results of Allergological and Immunological Research in Patients with Polipoid Rhinosinusitis. *Asian Journal of Immunology*, 34-40.

2. Botirov, A. J., Isroilov, R. I., Matkulihev, K. H. M., SH, K. U. K., Akhundjanov, N. O., Djuraev, J. A., ... & Zokirova, Z. J. (2020). Clinical and morphological results of xenografts to use in myringoplasty. *The International Tinnitus Journal*, 24(1), 1-6.
3. Khasanov, U. S., & Djuraev, J. A. (2020). MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CHRONIC POLYPOUS RHINOSINUSITIS. *CUTTING EDGE-SCIENCE*, 30.
4. Djuraev, J. A., & Khasanov, U. S. (2021). Results of Frequency Analysis Distribution of Polymorphism Rs1800895 592c> A In IL10 Gene among Patients with Chronic Polypoid Rhinosinusitis. *International Journal Of Medical Science And Clinical Research Studies*, 1(6), 129-134.
5. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., & Vokhidov, U. N. (2018). The prevalence of chronic inflammatory diseases of the nose and paranasal sinuses in patients with myocarditis. *European Science Review*, (5-6), 147-149.
6. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., Botirov, A. J., & Shaumarov, A. Z. (2020). Results of an immunohistochemical study in patients with polypoid rhinosinusitis. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 2526-2541.
7. Shaumarov, A. Z., Shaikhova, H. E., Normurodov, B. K., Akhmedov, S. E., & Djuraev, J. A. (2021). Role of Hemostatic Agents in Simultaneous Surgical Interventions in the Nasal Cavity. *Journal of Experimental and Clinical Surgery*, 14(2), 175-180.
8. UN, K. U. D. J. V., & Botirov, A. J. (2021). Frequency analysis results distribution of C589T rs2243250 polymorphism in IL4 gene among patients with chronic rhinosinusitis.
9. Nordjigitov, F. N., & Djuraev, J. A. (2021). RESULTS OF MORPHOLOGICAL STUDIES OF VARIOUS FORMS OF CHRONIC TONSILLITIS. *Central Asian Journal of Medicine*, 2021(4), 125-132.
10. Khasanov, U. S., Djuraev, J. A., Vokhidov, U. N., Khujanov, S. K., Botirov, A. Z., & Shaumarov, A. Z. (2022). RESULTS OF FREQUENCY ANALYSIS DISTRIBUTION OF A1188C RS3212227 POLYMORPHISM IN THE IL 12B GENE AMONG PATIENTS WITH CHRONIC RHINOSINUSITIS POLYPOSIS. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(01), 104-115.
11. Khasanov, U. S., Djuraev, J. A., Vokhidov, U. N., & Botirov, A. J. Morphological Characteristics of the Cysts of the Maxillary Sinuses. In *International Scientific and Current Research Conferences*.
12. Khasanov, U. S., Abdullaev, U. P., & Djuraev, J. A. (2022). RESULTS OF AUDIOLOGICAL EXAMINATION IN ACUTE SENSORINEURAL HEARING LOSS OF VARIOUS GENESIS. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(01), 24-50.

13. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., Vokhidov, U. N., Botirov, A. J., Akhundjanov, N. A., Ergashev, U. M., ... & Shaumarov, A. Z. (2021). Distribution of Allel Variants and Genotypes of Il4, Il10, Il12b, Tlr2 Genes in the Group of Patients with CPRS. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 4466-4470.
14. Khasanov, U. S., Khaydarova, G. S., Rakhimjonova, G. A., & Djuraev, J. A. (2022). BOLALARDA EKSUDATIV OTITNI DAVOLASH USULI. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(1), 64-80.
15. Khasanov, U. S., Khayitov, O. R., & Djuraev, J. A. (2021). OF THE STATE OF HEARING AND CEREBRAL HEMODYNAMICS IN PATIENTS WITH DEVIATION OF THE NASAL SEPTUM. In *HAVKA, КУЛЬТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 185-187).
16. Djuraev, J. A., & Makhsitaliev, M. I. Morphofunctional State of the Maxillary Sinus Mucosa in Patients After Endoscopic Infundibulotomy.
17. Khasanov, U. S., Khayitov, O. R., & Djuraev, J. A. On The Features of Changes In Hearing And Cerebral Hemodynamics In Patients With Nasal Obstruction Curvature.
18. Khasanov, U. S., Vokhidov, U. N., & Djuraev, J. A. (2018). State of the nasal cavity in chronic inflammatory diseases of the nose and paranasal sinuses in patients with myocarditis. *European science*, (9 (41)).–2018.
19. Джураев Ж. А. и др. РЕЗУЛЬТАТЫ АНАЛИЗА ЧАСТОТЫ РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ПОЛИМОРФИЗМА RS1800895 592C> A В ГЕНЕ IL10 СРЕДИ БОЛЬНЫХ С ХПРС //Universum: медицина и фармакология. – 2023. – №. 3 (97). – С. 11-16.